

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИКНИ САКЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ  
БОЛАЛАР КАСАЛЛИКЛАРИ ПРОПЕДЕВТИКАСИ**

**Кафедра мудири – т.ф.н., Ашурова Д.Т.**

**3 курс талабалари учун маърузалар туплами.**

**МАВЗУ: НАФАС ОЛИШ АЪЗОЛАРИНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ  
СИНДРОМЛАРИ ВА СЕМИОТИКАСИ.**

**ТОШКЕНТ – 2014 й.**

**МАКСАД:** Талабаларни нафас олиш органлари касалликларида учрайдиган симптом ва синдромлар билан таништириш.

**Вазифалар:**

1. Суриштириш ва куздан кечирилганда асосий симптомлари аниқлаш.
2. Пайпаслаш ва перкуссияда аниқланадиган симптом ва синдромлар.
3. Нафас олиш касалликларида эшитишнинг ахамияти.

Мазмуни:

Сураб суриштирилганда аввалом бор болада тумов бор йуклиги аникланади. Агар тумов булса, унда ажралиб чикаётган суюкликлар хусусиятлари билан кизикамиз. Чунончи, суюклик шиллик ажралмалар уткир респиратор вирусли инфекцияларда ва аллергик ринитларда учрайди. Тоза шилликли, шиллик-йиригли ажралмалар, кизамик, грипп ва аденовирусли инфекцияларнинг кечиккан даврларида, ҳамда гайморит каби касалликларда кузатилади.

Кон аралаш ажралмалар бурун бугма (дифтерия)сида, бурун бушлигига ёт жисм кириб колганда булади. Бурундан кон кетиш геморрагик диатез, лейкоз, гипопастик камконлик, бурун полипи, бод касаллиги каби касалликларга хосдир.

Курук тумов эса купрок болаларда сифилис касаллигида учрайди.

Йутал. Нафас олиш органларининг касалланишининг хусусиятли белгиларидан бири булиб, унинг бир неча куринишлари мавжуд.

1. Хириллаб ёки кув-кув йуталиш. Бу хикилдок яллигланганда, хакикий ёки сохта крупда учрайди. Хакикий круп бугма таёкчаларнинг хикилдок шиллик пардаларининг зарарлантириш натижасида нафас олиш йулларида пайдо булиб, хаво йули тораяди ва беморнинг нафас олиши кийинлашади, овози бугилади ва овози чикмайди. Сохта круп – грипп, тумов, кизамик каби хасталиклар билан огриган беморларда томок-хикилдок шиллик пардасининг яллигланиши натижасида бемор нафас олишининг кийинлашуви. Аста-секи йуталнинг кучайиши билан бирга тадрижий нафас олишнинг кийинлашиши хакикий круп учун хосдир. Йуталнинг бирданига, айникса кечаси пайдо булиб кийинлашуви купинча крупда учрайди.
2. Трахеитда йутал огир курук булиб худди бочкага урилгандек овозда булади.
3. Хуружли йутал – бу йутал бирдан бошланиб, бирининг кетидан иккинчисини давом этиши ва куп холларда бемор юзининг кизариши кусиш билан кечадиган йуталга хос. Кукйуталнинг уткир даврида спазматик, яъни тиришиб, тилини огзидан чикариб йуталиш кузатилади. Йутал вакти-вакти билан, айникса тунда хуруж килади.
4. Курук йутал – бронхит бошланиш даврида, хул (балгамли) йутал бронхитнинг кейинги даврларида булиши мумкин. Ёпишкок балгам бронхиал астмада булади.
5. Зотилжам бошланиш даврида йутал курук, кейинги кунларда хул, мабодо плевра яллигланган булса, йутал киска огрувчан булади.
6. Битонал йутал – тонларнинг биттаси купол ва паст, иккинчиси эса жаранглайдиган товуш билан булади. Бундай йутал кекирдикнинг 2 бронхга булинган жойидаги йутал зонасида катталашгач, лимфо тугунларининг таъсирида булиши мумкин. Бундай холат сил бронхоаденитида, лимфогранулематозда, лимфасаркомада, лейкозда, оралик аъзолар усмаларида булиши мумкин.

7. Тухтовсиз курук йутал – фарингитда ва назофарингитда булади. Кичик ёшдаги болалар куп холларда балгамни ютиб юборадилар. Балгам жуда куп, тула огиз билан йирингли булиши болаларда абцесс ёки йиринглаган упка кистасининг бронхга очилишида кузатилади. Каттарок ёшдаги болаларда куп балгам сурункали зотилжамда кузатилади, бронхоэктазлари булганда. Бундан ташқари интоксикация белгилари (тана хароратининг ошиши, кунгил айниб кусиш) булади. Баъзан зотилжам коринда огрик билан кечади (абдонимал синдром), бу холатларда текширишни мукамал утказиш ва бошка касалликлардан фарқлай билиш керак.

Объектив текшириш методлари. Куздан кечириш. Бунда кукариш цианоз булиши мумкин. Цианоз вақтинча, доимий, бир жойда умумий булиши мумкин. Нафас олиш кийинчилигининг яна бир белгиси бурун паррагининг уйнашидир – бу одатдаги газ алмашинувининг бузилишини курсатади ва куп холларда упка яллигланишини ташхисини куйишга имкон беради.

Ажралмалар хусусиятига кура тиник ажралмали ринит, шилликли ринит, шиллик йирингли ринит ва геморрагик ринитлар булиши мумкин. Ринитлар куп холатларда уткир вирусли инфекциянинг асосий белгиси хисобланади ва кизамик касаллигида ҳам булади. Кон аралаш сув ажралиши бурун бушлигига ёт жисм тушганда ва бурун бугмасига хос. Кичик ёшдаги болаларда курук тумов билан хириллаб нафас олиши тугма захмда булади. Куздан кечиришда бола овозига эътибор килиш лозим. Хириллаган овоз хикилдок шиллик пардаси билан овоз бойламлари касалликларидан далолат беради. Пингиллаб чикадиган овоз сурункали тумовда, гайморитларда, аденоидларда хикилдок орка девори абцессларида булади, дагал паст овоз мекседема учун хос. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда кечадиган аденоидларда бола юзи оқарган, юкори лаб кутарилган, бурун катаклари кенгайган, тишлар жойлашишида пастки жаг олдинга чикканлиги кузатилади. Куп йуталаётган боланинг юзи оқарган, консизлашган, ковоклари ҳам лимфостаз хисобига шишган, лаблари кукарган, теридаги веноз кон томирлари кенгайган, кузлари кизарган (кукйутал сурункали носпецифик зотилжам).

Огиз бушлиги куздан кечирилганда шиллик кават холати пушти, оч пушти ёки куқимтир булиши мумкин. Халқум ва бодомча безлар 1 ёшгача булган болаларда парда ортидан чикмайди. Мактабгача болалар ёшида безларни катталашини ва нормал холатлар улар ранги шиллик кават ранги билан бир хил булади. Болаларда купинча яллигланиш ангена учрайди, ангена катарал, фолликуляр, лакунар, специфик булиши мумкин. Катарал ангена халқум ва безлар кизарган, шишган ва бирор респиратор инфекция билан бирга кечади.

Фолликуляр ангина – кизариш, шиш билан бирга безлар устида ок нукта белгилар пайдо булади.

Лакунар ангинода – яллигланиш даражаси анча юкори булиб, ок парда бутун безларни уз ичига олади. Фолликуляр ва лакунар ангена купрок бактериологик этиологияга эга булади. Масалан стафилококк, стрептококк.

Скарлатинадаги ангена кизамикнинг кескин чегараланганлиги ва огир формадаги шиллик кават некрози билан характерланади.

Халкум бугмасидаги парда кир кулрангда булиб, бу пардани сидириб ташлаганда шиллик кавати конаши характерлидир.

Бронхиал астмада упка эмфиземасида кукрак кафаси бочкасимон булиши мумкин. Экссудатив плевритда касалланган томоннинг шиши, сурункали зотилжамда аксинча биров ичига кирган булади.

Нафас олишда хаста томоннинг оркада колиши плевритда, упка ателектазида, сил бронхоаденитида куринади. Нафас олиш ва чикаришнинг давомийлигининг узгариши бир касалликни бошка касалликдан фарклашга ёрдам беради, яъни нафас чикаришнинг чузилганлиги бронхиал астмада, обструктив синдромли зотилжамда, нафас олишнинг чузилиши ларингитда ва ларингоспазмада, крупда, усма ва кистада булади.

Нафас тезлашиши (тахинноэ) соглом болаларда хаяжонланганда, жисмоний машқда, бетобларда – нафас йулларининг касалликларида, камконликда, тана харорати ошганда, юрак томир касалликларида кузатилади. Нафас олишнинг камайиши брадипноэ – жуда хам коматоз холатларида (уремияда, ухлатадиган дорилар билан захарланганда), мия чаноги ички босими ошганда булиши мумкин.

Хансираш турлари:

Инспиратор – юкори нафас йуллари обструкциясида.

Эспиратор – куйи нафас йуллари шикастланганда.

Шик – эспиратор упка илдизи сикилганда, аралаш – бронхиолит ва зотилжамга хос. Пайпаслаб огриклар ва овоз титраши аникланади. Перкутор товуш касалликда турлича:

1. Бугик овоз упка яллигланганда, упкага кон куйилганда, упка шишида, ателектазда, усмаларда, экссудатив плевритда эса агар суюклик бутун бушликни эгаллаган булса, Эллис-Дамуазо-Соколов чизигини ва Гарленд, Раухфус – трокк учбурчаклари аникланади.
2. Тимпаник (ногорасимон) товуш упкада хавога тула бушлик пайдо булганда, силда каверна, киста, абцесс, диафрагма чуррада, пневмотораксда, эмфиземада эшитилади.
3. Кутисимон товуш каттик перкутор тимпаник товуш упкада хаво куп йигилганда.
4. Ёрилган тувак шовкини – бола огзини очганда, аникроги бирор бушликнинг бронхга очилганида.

Бундан ташкари упканинг пастки чегаралари аниклашда, лимфа тугунлари катталашганлигини хам перкуссия килиб биламиз.

Короньи белгиси трахеа бифуркацияси лимфа тугунлари катталашганда; Философ косачаси симптоми; Аркавин симптоми, бронхопульсимон лимфа тугунлар катталашганда мусбат булади. Аускультацияда – болада то 6 ойгача кучсиз нафас, 6 ойдан 5-6 ёшгача

пуэрил нафас нормада эшитилади. Патологияда куйидаги нафаслар мавжуд. Кучсиз нафас хикилдок кискарганда, ателектазда, бронхоспазмда, упканинг бир булагини маълум микдор сикилганда, эмфиземада, яллигланиш жараёнининг бошланиши ва якунланиши даврларида булади.

Кучли нафас – энг кичик бронх ва бронхиолалар кискарганда, бронхиал астмада, бир томон касалланганда, иккинчи томоннинг зур бериб нафас олишида булади. Каттик нафас – бронхиолит, зотилжам касаллигида. Амфоник нафас – бушлик пайдо булганда абцес, сил, киста. Хириллашлар хул ва курук булиши мумкин.

Курук хириллашлар – ларенгитда, фарингитда, бронхитда, бронхиал астмада булади.

Нам хириллашлар – хаволи суюклик оркали утишда хосил булиб, бронхлар диаметрига боғлиқ холда майда пуфакли, урта ва йирик пуфакли булиши мумкин. Хириллашларни крепитациядан фарқлаш керак.

Плеврани бир бирига ишқаланиб чиқадиган товуш, плевра яллигланганда, фибрин билан копланганда, патосли плевритда ва бошка касалликларда булиши мумкин.

Бронхофония - товушни бронхлардан курак кафасига етказилиши нормада эшитилмайди, кучаядиган зотилжам, сил, ателектазда, каверна ёки шунга ухшаш бушликлар пайдо булишида эшитилади.

Бронхиал лимфа тугунлари катталашганда Д’ Эспин белгиси аникланади; Де-ла-кампа, Смит белгилари аникланиши мумкин. Бронхофонияни кучсизлиги гемоторакс, гидроторакс, экссудатив плевритда, пневмотораксда булади.

**АДАБИЁТЛАР.****Асосий:**

1. Мазурин А.В., Воронцов И.М. «Пропедевтика детских болезней», 1985.М
2. Кораходжаев Б., Саломов И.Т., Абдуллаева М.А. «Болалар касалликлари пропедевтикаси», Т. 1997.

**Кушимча:**

1. Таточенко В.К., Федоров А.М. «Острые пневмонии у детей» Москва, 195 й, 187 бет.
2. Даминов Т.А. Разработка новых способов профилактики и лечения синдрома дыхательных расстройств новорожденных – актуальная проблема современной медицины. Педиатрия, Тошкент, 1998, № 3, 7-12 бет.

**Аннотация**

Ушбу маъруза 3 курс талабаларига мулжалланган булиб, бунда талабаларни нафас олиш органлари касалликларида учрайдиган симптом ва синдромлар ,суриштириш ва куздан кечирилганда асосий симптомлари аниклаш., пайпаслаш ва перкуссияда аникланадиган симптом ва синдромлар нафас олиш касалликларида эшитишнинг ахамияти берилган.